



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G'I

20 14 yil "20" 12

№ 465

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил
27 сентябрдаги 769-сон “Тиббиёт кадрларини тайёрлашни янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган
вазифалар ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида
2017 йил 12 декабрда “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотлар, амалга
оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида” ўтказилган
мажлисда белгиланган топшириклар ҳамда Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сон “Тиббиёт
кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1.Куйидагилар:

Битиувчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, мажбурий
ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш комиссияси
таркиби 1-иловага мувофик;

Битиувчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, мажбурий
ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш комиссияси
фаолиятини ташкил этиш тартиби 2-иловага мувофик;


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, олий тиббий
таълим муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгashi,
Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлклари ҳамда битиувчи ўртасида
тузиладиган мажбурий ишлаб бериши тўғрисидаги шартнома намунаси
3-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Кадрлар бошқармаси (Д.Бабаев) бир ҳафта муддатда Соғлиқни сақлаш
вазирлигига тиббиёт олий таълим муассасалари битиувчи талабалари ва
республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш

институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиник ординаторларини мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, шунингдек мажбурий ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат килиш мақсадида штаб ташкил қилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросини назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Шадманов

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
“20” 12 даги
765-сон буйругига
1-ИЛОВА

**Битиравчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, мажбурий
ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
комиссияси таркиби**

1.	А.К.Шадманов	Соғлиқни сақлаш вазири, комиссия раиси
2.	Б.К.Юсупалиев	Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
Аъзолар:		
3.	Д.И.Бабаев	Кадрлар бошқармаси бошлиғи
4.	У.С.Исмаилов	Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи
5.	Ф.Р.Шарипов	Даволаш профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи
6.	М.Ф.Садиков	Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи
7.	Г.А.Юсупалиева	Олий ва ўрта маҳсус тиббий таълимини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
8.	Р.И.Махаммадиев	Юридик бўлим бошлиғи
9.	Л.Н.Туйчиев	ТТА ректори
10.	Б.Т.Даминов	ТошПТИ ректори
11.	Х.А.Акилов	ТошВМОИ ректори
12.	З.Р.Халилова	Кадрлар бошқармаси бош мутахассиси, комиссия котиби

Изоҳ: 1. Қорақалпогистон Республикаси ССВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ССБ бошликлари, таълим муассасаларидағи битиравчилар тақсимотига масъул ходимлар комиссия таркибиға киритилади.

2. Комиссия аъзолари бошка ишга ўтган тақдирда унинг таркибиға ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юклangan шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
“10” 10 даги
165-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Бити्रувчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, мажбурий
ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
Комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби**

1. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “Бакалавриатнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари бити्रувчиларини қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ (шахар) оиласий поликлиникаларига ишга йўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-банди асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Бити्रувчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, мажбурий ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Комиссияси (бундан кейин – Комиссия деб юртилади)нинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

2. Бити्रувчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, мажбурий ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиб ва комиссия аъзоларидан иборат бўлади.

3. Комиссия фаолияти холислик ва ошкоралик принциплари асосида ташкил этилади.

4. Комиссия йигилишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган график асосида ўтказилади.

5. Комиссия иши комиссияси раиси томонидан, комиссия раиси бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари томонидан бошқарилади.

6. Вазирликнинг Кадрлар бошқармаси Комиссиянинг ишчи органи бўлиб ҳисобланади.

7. Комиссия ишчи органининг вазифларига қўйидагилар киради:

- мажбурий ишлаб бериш учун тақсимланадиган бити्रувчиларнинг рўйхатини тузади;
- мажбурий ишлаб бериш учун тақсимланадиган бити्रувчиларнинг хужжатларини йиғади;
- Комиссия йигилиши ўтказиладиган графикни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирига тақдим этади;

- Комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида комиссия аъзоларини хабардор қиласы;
- Комиссия йиғилишида күриладиган масалалар бўйича кун тартибини ишлаб чиқади;
- битиравчилар томонидан мажбурий ишлаб бериш жараёнини доимий равишда мониторинг қилиб боради ва мониторинг натижаларини Комиссияга тақдим этади;
- мажбурий ишлаб бериш талабларига риоя этмаган битиравчиларни аниқлаб, Комиссия муҳокамасига киритади.

8. Комиссия йиғилишида унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда у ваколатли ҳисобланади.

9. Комиссия қарори унинг йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг қўпчилик овози билан қабул қилинади. Берилган овозлар teng бўлиб қолганда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи роль ўйнайди.

10. Мажбурий ишлаб бериш учун тақсимланган битиравчининг ишлаб бериш жойини ўзгартириши учун жiddий сабаблар юзага келса, турмуш курса, доимий яшаш учун бошқа ҳудудга кўчиб ўтса, битиравчи мажбурий ишлаб бериш жойини ўзгартириш учун Комиссияга мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлиб, бунда сабабларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

Комиссия ўн беш кун ичида битиравчининг мурожаати ва тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича битиравчи учун ушбу Низом талабларига мувофиқ бошқа мажбурий ишлаб бериш жойини белгилайди.

11. Комиссия ариза билан мурожаат қилган битиравчининг мурожаати ҳақида қисқача ахборотни тинглайди, илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқади, комиссия аъзолари билан муҳокама қилиниб, битиравчи фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беради ва аризани кўриб чиқилгандан сўнг қарор қабул қилинади.

12. Комиссия қароридан норози бўлган битиравчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки бўлмаса судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
“20” 12 даги
465-сон буйругига
3-ИЛОВА

**Битиравчини мажбурий ишлаб бериши тўғрисидаги
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

-сон

Тошкент ш.

20 й «

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан вазир
бир томондан, (олий тиббий таълим муассасасининг номи) номидан муассаса
(Ф.И.Ш.)

Уставига асосланиб иш юритувчи ректор иккинчи томондан
(Ф.И.Ш.)

(маҳаллий хокимият органи)

Уставига асосланиб иш юритувчи учинчи томондан,
(хокимият органи раҳбари, Ф.И.Ш.)
мутахассислиги

(олий тиббий таълим муассасасининг номи)

бўйича йилда битиравчи, да
(манзили)
яшовчи (кейинги ўринларда «Битиравчи» деб
(талабанинг Ф.И.Ш.)

номланади) тўртинчи томондан, улар биргаликда бундан кейин “Тарафлар” деб аталадилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сонли қарори билан тасдиқланган “Бакалавриатнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари битиравчиларини қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ (шахар) оиласиб поликлиникаларига ишга йўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, қўйидагилар ҳақида ушбу Шартномани туздилар.

1.Шартнома предмети.

1.1. Бакалавриатнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасаси битиравчисини мажбурий ишлаб беришга юбориш.

2.Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1.Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хуқуқ ва мажбуриятлари:

- битиравчини мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш;
- мажбурий ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш;
- мажбурий ишлаб бериш жараёнини назорат қилиш;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан шифокор кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни сўраб олиш;
- битиравчи ишга келгани ва жойлашгани ҳақидаги ҳужжатни соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳудудий органидан талаб қилиш;
- хар бир битиравчини хисобини юритиб бориш;
- битиравчининг мажбурий ишлаб бериш жойини ўзгартириш ёки ишлаб бериш имкони йўқлиги билан боғлиқ мурожаатларини ўз вақида кўриб чиқиши.

2.2. Олий тиббий таълим муассасасининг хуқуқ ва мажбуриятлари:

- битиравчи ишга келгани ва жойлашгани ҳақидаги ҳужжатни соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳудудий органидан талаб қилиш;
- битиравчи томонидан мажбурий ишлаб бериш шартлари бажарилмаганида компенсацияни ундириб олиш учун тўлов муддати, компенсация тўланадиган хисоб-ракам ҳамда компенсация миқдори кўрсатилган талабномани битиравчига юбориш;

- битиравчи томонидан компенсация талабномада кўрсатилган муддатда ва микдорда тўлаб берилмаса, қонунчиликда белгиланган тартибда компенсацияни ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат этиш;
- битиравчини давлат таълим стандартлари асосида тайёрлаш;
- ҳар бир битиравчини ҳисобини юритиб бориш;
- битиравчи учун йўлланмани ўз вақтида ва лозим даражада расмийлаштириб бериш;
- Битиравчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, мажбурий ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Комиссиясининг йиғилишларида иштирок этиш;
- мажбурий ишлаб бериш муддатининг амал қилиши тугаганидан сўнг меҳнат дафтарчасидаги ёзув ва битиравчи мажбурий ишлаб берган муассасанинг ёзма тасдиги асосида бир хафта муддатда битиравчига олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асл нусхасини бериш;
- мажбурий ишлаб беришдан бош тортган битиравчига дипломнинг асл нусхасини битиравчи томонидан компенсация тўлиқ микдорда ёки бўлмаса ишлаб бермаган муддатига мос микдорда тўлаб берилганидан кейин бериш.

2.3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ҳуқуқ ва мажбуриялари:

- шифокор кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги буюртномаларни ҳамда мавжуд бўш иш ўринлари ҳакидаги маълумотларни ўз вақтида Ўзбекистон республикаси Соғликни сақлаш вазирлигига тақдим этиш;
- буюртнома асосида мажбурий ишлаб беришга келган битиравчининг ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш;
- битиравчи билан иш берувчи меҳнат шартномаси ўз вақтида расмийлаштирилиши ҳамда битиравчини ўз вақтида ишга тушишини назорат қилиш;
- иш берувчи билан ҳамкорликда битиравчининг тиббий фаолиятини назорат қилиб бориш;
- битиравчининг малакаси етарли бўлмаганида ёки бўлмаса у томонидан мажбурий ишлаб бериш талабларига риоя этилмагандан дарҳол Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигига ҳамда тегишли олий тиббий таълим муассасасига хабар бериш.

2.4. Битиравчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

-битиравчи ўқиши тамомлаганидан сўнг

(ишлашга юборилаётган тиббий муассасанинг манзили ва номи)

га

келиши ва уч йил (ўттиз олти ой) ишлаб бериши шарт;

- битиравчи ўқиши тамомлаганидан сўнг 3 ой ичida меҳнат фаолиятини бошлаши шарт;
- иш жойига келиши биланоқ шартномада ҳамда йўлланмада кўрсатилган иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузиши;
- танлов асосида қабул қилинадиган лавозимларга мажбурий ишлаб бериш учун юборилганда танловсиз ишга қабул қилиниши;
- иш жойидаги ички меҳнат тартиби ва қоидаларига риоя этиш;
- иш берувчидан зарур меҳнат шарт-шароитларини талаб этиш;
- ишлаб бериш жойини ўзгартириш учун жиддий сабаблар юзага келганда ёки меҳнат лаёқатини қисман ёки тўлиқ йўқотиши туфайли мажбурий ишлаб бера олмаган тақдирда тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган холда Битиравчиларни мажбурий ишлаб бериш учун тақсимлаш, мажбурий ишлаб бериш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Комиссиясига мурожаат этиш.

3. Тарафларнинг жавобгарлиги

- #### 3.4. Битиравчи томонидан ўқиши тамомлангандан сўнг уч ой ичida уни иш билан таъминламаганлик ёки тегишли йўлланма берилмаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги, олий тиббий таълим муассасаси ҳамда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

3.5. Битиравчи мажбурий ишлаб беришдан бош тортган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олий тиббий таълим муассасаси томонидан талаба ўқишни битиргани ҳақида тегишли буйруқни чиқарган вақтда амалда қўлланилган энг кам иш ҳақининг тўрт юз баробари миқдорида компенсация тўлайди.

3.6. Битиравчи ишлаб бериш муддати давомида шартномада кўрсатилган жойда мажбурий ишлаб беришни ўз хоҳишига кўра рад этса, у Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ишлаб берилган муддатга мос равища камайтирилган миқдорда компенсация тўлайди. Компенсация миқдорини ҳисоб-китоб қилишда мажбурий ишлаб бериш муддатларининг факат тўлиқ ойлари ҳисобга олинади.

4. Форс-мажор ҳолатлар

4.1. Тарафлар зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун, агар мазкур ҳолат фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) юзага келиши оқибатида юз берганлигини ҳамда улар томонидан лозим даражада бажарилиши учун барча мумкин бўлган ва уларга боғлиқ бўлган чоралар кўрганликларини исботламасалар, жавобгар бўладилар. Форс-мажор ҳолатларга қуидагилар киради: ҳарбий ҳаракатлар, табиат кучларининг таъсири (ер қимирлаши, сув тошқини ва бошқалар), давлат органларининг карорлари.

4.2. Форс-мажор ҳолатлари бошланганлиги ҳақида Тарафлар бир-бирларини улар юзага келган пайтдан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичida хабардор қилишлар керак.

5. Яқуний қоидалар

5.1. Мазкур шартномани бажариш давомида юзага келган барча низолар ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан ҳал қиласалар. Келишишга эришиш имкони бўлмаганда низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ олий тиббий таълим муассасаси жойлашган худуддаги судда ҳал қилинади.

5.2. Мазкур Шартномага барча ўзgartiriш ва қўшимчалар ёзма равища киритилди ва тўртга Тараф томонидан имзоланади.

5.3. Шартнома ҳар тўрт Тараф учун битта нусхада, бир хил юридик кучга эга бўлган тўртта нусхада тузилган.

5.4. Мазкур шартномада тартибга солинмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

5.5. Ушбу шартнома тарафларнинг барчasi имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда шартнома тўлиқ бажарилгунга кадар амалда бўлади.

6. Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари:

(олий тиббий таълим муассасасининг номи) Манзил: Тел.: Х/р: МФО: ИНН: Имзо, муҳр: Сана:	(Махаллий давлат хокимиёти органининг номи) Манзил: Тел.: Факс: Код: Х/р: ИНН: Имзо, муҳр: Сана:	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги: (номи) Манзил: Тел.: Факс: Код: Х/р: ИНН: Имзо, муҳр: Сана:	“Битиравчи” (Ф.И.Ш.) Манзили: Тел.: Паспорт серияси, номери, ким томонидан ва қачон берилган: Имзо Сана:
--	---	---	--

*Шартномани тушиб жараённида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сонли қарори билан тасдиқланган “Бакалавриатнинг алоҳида таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида таҳсил олган олий тиббий таълим муассасалари битиравчиларини кишлоқ врачлик пунктлари ва кишлоқ (шахар) оиласий поликлиникаларига ишга йўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом талблари доирасида унга бошқа маълумотлар хам киритилиши мумкин.